UDK 654.19:808.3(575.1)

РАДИОЖУРНАЛИСТИКАДА ТАРЖИМА МАҲОРАТИ

Навфалбек Содиқ ўғли БОЛТАЕВ
мустақил изланувчи
Ўзбекистон журналистика
ва оммавий коммуникациялар университети
Тошкент, Ўзбекистон
mr.navfal@mail.ru

Аннотация

Мақолада ўзбек ахборий радиожурналистикасида таржима масалалари, ўзига ҳосликлари, таржима жараёнларини янада қулайроқ, осонроқ амалга ошириш таҳлил қилинган ва амалий таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: радио, хабар, таржима, таржимон, журналист, сиёсий шарҳловчи.

НАВЫКИ ПЕРЕВОДА В РАДИОЖУРНАЛИСТИКЕ

Навфалбек Содик огли БОЛТАЕВ
независимый исследователь
Университет журналистики
и массовых коммуникаций
Ташкент, Узбекистан
mr.navfal@mail.ru

Аннотация

В статье анализируются вопросы перевода в узбекской информационной радиожурналистике, их особенности, возможности организации процессов перевода в более доступной и оптимальной форме, выдвинуты практические предложения.

Ключевые слова: радио, сообщение, перевод, переводчик, журналист, комментатор.

Таржима журналистикада муҳим аҳамият касб этади. Дунёнинг қайсидир мамлакати ёки бурчагида нима содир бўлганлиги ҳақида фақат таржима орқалигина аниқ маълумот берилади. Шу маънода таржимани информация оқимининг энг асосий ричагларидан бири, деб баҳолаш мумкин. Сифатли, тўлақонли таржима нималарда кўринади? Аввало у ахборий журналистиканинг ким қилди, нима қилди, қачон, қаерда, қандай воситалар билан, нима учун, қандай қилиб, деган саволларига тўлақонли жавоб бериши лозим.

Олима Н.А.Азатова илмий адабиётларга таянган ҳолда таржиманинг тўртта асосий тури ҳақида тўхталар экан улар информацион, экспрессив,

оператив (яъни ишонтирувчи, кўрсатма берувчи) ва аудио-визуал (мульти-медиа) матнларга бўлиниши ҳақида маълумот беради [2.311–313]. Матн турларининг таснифларини таржима турлари таснифлари билан аралаштириб юбормаслик учун эҳтиёт бўлиш кераклигини, чунки жуда кўп терминологик ўхшашликлар мавжудлигини таъкидлайди. Масалан, «Инжил таржимаси», «бадиий таржима» ёки «шеърият таржимаси» каби ёрлиқлар ҳақиқатан ҳам матн турларини – таржима қилинаётган матн турини назарда тутади. Назаримизда, шу ўринда аудиовизуал матн атамасини алоҳида иккига ажратиб кўрсатиш, яъни радиоматн ва телематн сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

Маълумки, ҳар бир соҳанинг ўзига ҳос терминлари бўлади ва улар шу соҳадан бошқа соҳада қўлланилганда оддий сўзга айланиб қолади. Терминларнинг фарқли жиҳатларини соҳа билимдонлари Х.Гедиева ва М.Абзалова қуйидагича белгилаган [4]:

1) термин бир маъноли тенденцияга эга;

2) термин аниқ, номинатив функцияга эга бўлиб, унга эмоционаллик, экспресивлик функциялари хос эмас. Термин ўзининг бу хусусиятини жумлаларда ҳам, матнлардан ташқарида ҳам сақлайди;

3) терминнинг маъноси тушунчага тенгдир;

4) термин стилистик жиҳатдан нейтралдир;

5) терминологик лексика алоҳида системадир.

Англашилинадики, таржима соҳасининг ҳам ўз терминлари борки, айнан хабарлар, маълумотлар таржимаси билан шуғулланадиган ҳар бир журналист буни жуда яхши билиши шарт.

Таржимашунос олим Ҳамидулло Инамович Ҳакимов таржима жараёнида таржима трансформациялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади [3.38-42] , деб ёзади ва унинг турларини кўрсатиб ўтади. Олимга кўра таржима жараёнида транслитерация, анъанавий эквивалент, бетарафлаштириш (вазифавий ёки изоҳланган эквивалент), сўзма-сўз таржима, мослаштириш, таркибий таҳлил, ўчириб ташлаш, жуфтлик,

стандартлаштирилган таржима, изоҳлаш, шарҳ ва таснифлаш ижобий натижа беради.

Таржималар дунё халқлари маданиятида ўхшашликлар ва ўзига ҳосликлар мавжудлигини кўрсатади. Масалан, ўзбекларда бошини пастга қимирлатиши “ҳа”, ён тарафларга қимирлатиши эса “йўқ” маъносини англатади. Айрим халқларда эса бу мутлақо тескари, яъни, бошни пастга қимирлатиш “йўқ”ни ёки норозилик, ён тарафларга қимирлатиш “ҳа” ёки розилик белгисидир. Шундай ҳолатлар борки, масалан, ўзбек тилида салбий ранг олувчи сўзлар, бошқа халқларда ижобий рангда товланади. Масалан: қарғани олайлик. Бу қуш ўзбекларда салбий образ сифатида қабул қилинган. Айрим мамлакатларда эса – донолик рамзи саналади. Ёки “қўйдай ювош” иборасини бизда бировга зарари тегмайдиган одам сифатида тушунилса, айрим халқларда салбий маънода ишлатилади. Худди шу каби, дунё мамлакатларида саломлашишлар ҳам турли-туман. Буларнинг ҳаммаси оддий аксиома, исбот талаб қилмайди.

Радиожурналистикада таржима бошқа йўналишлардан нимаси билан фарқ қилади?

Аввало, радиожурналистиканинг бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқи – у аудиоформатда. Маълумки, аудиоформат орқали тингловчига нафақат маълумотлар, балки ҳиссиётлар ҳам етказилади. Эфирда овоз, турли овозли эффектлар орқали воқеликка оид маҳсус муҳит яратилади. Иккинчидан, вақт чегараси сезилиб туради. Белгиланган вақтга маълумотларни жойлаш, тингловчи қизиқиши ва мақсадни тўлақонли эътиборга олиш керак. Учинчидан, жонли эфир орқали аниқ вақт оралиғида реал воқелик шарҳланади. Тўртинчидан, тингловчилар билан шу вақтнинг ичида жонли алоқа сақланиб туради. Бешинчидан, эфирда хориж хабарларини тақдим қилаётган ҳар бир журналист-таржимон энг сўнгги маълумотлардан аниқ манбаалар орқали хабардор бўлиши, уни зудликда таҳлил қилиш ва эфирга узатиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Назаримизда, радиотаржимонда бир вақтнинг ўзида таҳлил қилиш қобилияти ҳам бўлса, нур устига аъло нур. Чунки воқеликнинг бошланиши, ривожланишини яхши билгани ҳолда таҳлил қилади ва ўзининг прогнозлаш қобилиятини намоён этади. Бундан ташқари, мураккаб хабарларни тушунарли ва оддий тилда эфирга узата олади. Қолаверса, ўз материалини эфирда ўзи ўқигани маъқул. Шунинг учун ҳам радиожурналистикани кўзлаган ҳар бир талаба, ўзининг овоз кўламига, нутқ маданиятига жиддий эътибор бериши керак.

Аниқки, радиожурналистлар ҳам таржима жараёнида холисликка, ахборотни аниқ манбаадан олиб беришга интилишади. Шунчаки шов-шувларга, тасдиқланмаган маълумотларга таянишмайди. Яна бир жиҳати, турли салбий таъсирлардан ҳоли бўлишади. Бу эса ўз-ўзидан таржима жараёнида объективликни, нафақат шахсий фикрларни, балки ўзгаларнинг нуқтаи-назарларини ҳам баён қилишни таъминлайди. Тарафкашликка йўл қўйилмайди, ҳар бир маълумот адолат ва мувозанатни сақлаган ҳолда тақдим этилади.

Таржима жараёнида яна бир муҳим жиҳат бор. Бу – ўз вазифасига виждонан ёндашув. Журналист маълумотларни аудиторияга тушунарли тилда тақдим этар экан, тарқатилаётган хабарда бетараф туради, камситиш ёки бировнинг шахсига даҳл қилишдан сақланади. Аниқроқ айтганда. унда ўз ишига ва унинг натижасига жавобгарлик ҳисси, тингловчи олдидаги масъулияти сезилади.

Устозлар ўз шогирдларига, имкони бўлса ҳар бир жумла 6 та сўздан ошмагани маъқул, деб ўргатишади. Дарҳақиқат, шундай. Фикримизча, радиода таржима, аввало, тушунарли ва сўзлашув услубига яқин туриши, жумлалар узун бўлмаслиги керак. Жумла қанча узун бўлса, тингловчининг уни тушуниб олиши мушкуллашиб бораверади. Радиожурналистлар айниқса, хорижга оид турли-туман хабарларни таржима қилишар экан, ана шу жиҳатларни эътиборда тутишади. Чунки, кичкинагина элементнинг нотўғри

таржимаси бутун бир матнни асл маъносидан йироқлаштиради. Оқибатда мураккаб вазиятларга сабаб бўлиб қолиш мумкин.

Радиожурналистнинг яна бир муҳим ҳислати бор. У нафақат касбий, балки техник билимларни ҳам ўзлаштирган, десак муболаға эмас. Чунки у ўз материлларини техника ёрдамида тайёрлайди, техника ёрдамида эфирга узатади. Шунинг учун ҳам радиожурналист муттасил равишда ўқиб-ўрганиши, тажрибасини ошириб бориши шарт. Бусиз мумкин эмас. Техник жараёнлар кун эмас, соат сайин ўзгариб, юксалиб бораётгани инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Ҳозир машҳур радиожурналистларнинг муваффақияти ҳам касбий, ҳам техник билимларини уйғунлаштира олганлиги билан изоҳланади. Уларнинг фаолияти эндигигина иш бошлаган ҳар бир ёш журналист учун илҳом манбаи ва намуна бўлиб хизмат қила олади.

Шу маънода айтиш мумкинки, Шарофиддин Тўлаганов, Абдували Сойибназаров, Дониёр Юсупов, Дилфуза Юсупова каби журналистларнинг хориж ҳаётига оид таржималари пишиқ-пухталиги, таржима қоидаларига мос келиши билан эътиборни тортади. Улар таржима жараёнида матн билан қандай ишлаш, зарур сўз ва ибораларни топиб, ўз ўрнида қўллашни яхши ўзлаштириб олишган.

“Ўзбекистон–24” радиоканалида хизмат қилаётган сиёсий шарҳловчи Ш.Тўлаганов ўзининг таҳлилий шарҳлари, долзарб интервьюлари билан машҳур. Айниқса, унинг таржима соҳасидаги беқиёс тажрибаси ёшларга катта мактаб вазифасини ўтайди. Мисол учун, Европарламент томонидан нохолис ва тарафкаш резолюция қабул қилинганига Озарбайжоннинг кескин норозилик билдириб берган баёноти борасидаги хабарни асосий манбаага таяниб таржима қилар экан, масалага аввало ҳолис журналист сифатида, қолаверса, мамлакат нуқтаи-назаридан ёндашади. Худди шундай ёндашувни Кот-д’Ивуар президенти Алассан Уаттара бош вазирни истеъфога чиқариб, ҳукуматни тарқатиб юборганлиги ёки Италия ҳукумати Неапол яқинидаги

Сампи Флегреи супервулқони яқинида яшовчи одамларни эвакуация қилмоқчилиги ҳақидаги таржималарда ҳам кузатиш мумкин.

Сиёсий шарҳловчи А.Сойибназаров машҳур радиожурналистлардан бўлиб, “Ўзбекистон–24” радиоканалида хизмат қилади. У дастурларининг аниқлиги, долзарблиги ва қизиқ фактларга бойлиги билан кенг оммага манзур қила олган. А.Сойибназаровнинг таржима услуби ҳам ўзига хос. Тўғрироғи, таржимани шундай ўзлаштириб олганки, кўз олдингизда воқелик ҳақида аниқ манзара намоён бўлади. Таржималарида жой номлари, машҳур шахсларнинг исм-шарифларининг тўғри талаффуз қилинишига эътибор беради.

“Ёшлар” радиоканали ходимлари Д.Юсупов ҳамда Д.Юсупованинг таржималари ҳам пишиқ-пухталиги билан эътиборга лойиқ. Уларнинг таржималари ёркинлиги, қисқа ва лўндалиги билан ажралиб туради. Ортиқча изоҳлардан ҳоли, долзарб ва қизиқарли. Муҳими, улар таржимага киришишдан олдин айни хабар қайси тилда сўзловчи халққа тааллуқли эканлигига, уларнинг маданияти, урф-одатлари ва ўзига ҳос жиҳатларини тушуниб олишга ва зарур ҳолларда қисқа тушунтиришлар бериб ўтишга интилишади.

Маълумки, ахборотлар оқими кун сайин жадаллашиб, истеъмолга янги сўзлар, атамалар кириб келмоқда. Ҳатто ўз тилимизда салбий маъно берувчи сўзларга эндиликда ижобий тус берилмоқда. Радиотаржимонлар бу жиҳатни ҳам назардан қочиришмаяпти.

“Ўзбекистон–24” ва “Ёшлар” радиоканалидаги хориж хабарлари таржимаси нимаси билан фарқ қилади? “Ўзбекистон–24”да хориж хабарларини қисқа сатрларда ҳам, кенгайтирилган шарҳларда ҳам кузатиш мумкин. Эътиборлиси, бу хабарларнинг ҳаммасида изчиллик бор ва давом этаётган воқеаликлар муттасил равишда кенгайтириб борилади. Воқелик ниҳоясига етгач унинг сабаблари, воқеалар ривожи, ечими бир эмас, бир неча аниқ манбааларга таянган ҳолда очиб берилади. “Ёшлар” радиоканалида бундай изчиллик йўқ. Куннинг хорижга оид бўлган муҳим хабарлари ўша

куннинг ўзидаёқ таржима қилинади ва эфирга узатилади. Агар зарурат бўлмаса, унга қайтилмайди.

Замонавий радиожурналистика мультимедиялашмоқда. Ҳозир уларни нафақат тинглаш, балки кўриш ҳам мумкин. Бошқача айтганда, интернет орқали радиожурналистни нафақат эшитиш, балки фаолиятини кузатиш ҳам мумкин. Ўз тингловчилари билан яқин ва ишончли муносабат ўрнатишни истаган, олдига қўйган мақсадига ижодий ёндашувчи ҳар бир радиожурналист бундай имкониятларидан, яъни ижтимоий медиа платформаларидан унумли фойдаланади.

Кейинги пайтларда дунё матбуотида ҳар бир мутаҳассиснинг ўз электрон "портфолио"си бўлгани маъқул, деган фикрлар пайдо бўлмоқда. Хўш, портфолио нима ўзи?

"Мутахассис портфолиоси – бу унинг бажарган ишлари ёки лойиҳалари рўйхати. Портфолио унинг қай даражада малакали мутаҳассис эканлигини кўрсатиб беради" [5]. Демак, портфолио – мутаҳассиснинг билими, тажрибаси, муваффақиятларини кўрсатиб турувчи ташриф қоғози. Радиожурналист-таржимон унга энг яхши ишларини, таҳлилий материалларини жойлаши ва ўз сайтига ёки журналистлар учун маҳсус платформаларга киритиб қўйиши мумкин. Бу ҳам ўқиб ўрганувчилар учун мактаб вазифасини ўтай олади.

Ҳозир радиожурналист-таржимонлар олдида синхрон таржима масаласи кўндаланг турибди. Айни пайтда ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли бу вазифани уддалай оладиганлар жуда кам, назаримизда. Ана шу сабабдан ёшларда бу ҳусусиятни ҳам тарбиялаш, нафақат ўзбек тилига, балки ўзбек тилидан хориж тилларига таржимани шакллантириш зарур. Маҳоратнинг шаклланишида эса билим, дунёқараш, ўзга маданиятларнинг ўзига ҳослигини тушуниш жуда муҳим аҳамият касб этади.

2023 йилнинг 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида нутқ сўзлаган Президентимиз Ш.Мирзиёев айнан "... ижодий буюртмалар, муаллиф ва

таржимонларга қалам ҳақи кўпайтирилади”, дея таъкидлашининг ўзи ҳам бу масалага мамлакат миқёсида алоҳида эътибор қаратилаётганини билдиради [1].

Радио йўналишида амалга оширилаётган таржималарни тадқиқ қилар эканмиз, уларга ҳос қуйидаги жиҳатларни белгилаб оламиз:

1. Таржимага киришишдан олдин асл манбадаги матнни лексик таҳлил қилиш, унинг объекти, предметига, таржима жараёнида эса сўзларнинг ўзбекча аниқ ифодаланишига, стилистик бўёғи, мазмунига жиддий эътибор қаратилади.

2. Таржима қилиш учун танланган хабар олинган манбаа ўзи тааллуқли бўлган мамлакат нуқтаи –назарини акс эттириши доимо ёдда тутилади.

3. Жой номлари, атамалар, таниқли шахсларнинг исм-шарифлари имкон қадар тўғри талаффуз қилинади.

4. Таржима жараёнида халқларнинг ўзига ҳос урф-одатлари эътибордан қочирилмайди. Зарур ҳолларда шу маънодаги сўз аслиятда шарҳланмаган бўлса ҳам, бошқа ишончли манбадан олиб, қисқача шарх берилади. Бу ҳаракат масаланинг асл моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

5. Таржима жараёнида сўзлар акс эттирадиган маъно ва рангга жиддий қаралади. Чунки, ҳар бир миллатда кўп маъноларни англатувчи сўзлар анчагина.

6. Таржимани тўғри акслантириш, аниқ ва лўнда манзара ҳосил қилишга, унинг энг қизиқ нуқтасини топишга ҳаракат қилинади.

7. Таржимага оид илғор тажрибалар ўзлаштирилиб борилади.

Фикримизча, таржима жараёнларини янада қулайроқ, осонроқ қилиш мақсадида:

хорижий сўзларни тўғри таржима ва талаффуз қилишга кўмаклашувчи қўлланма яратиш;.

радиожурналистикада синхрон таржима соҳасини ривожлантириш;

мамлакатимиз матбуотида таржима билан шуғулланувчи журналистлар иштирокида мастер класслар ташкил этиш;

ҳар бир радиожурналист- таржимоннинг “портфолио”сини яратиш;

чет эллик таржимонлар билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак. https://president.uz/uz/lists/view/6941
2. Азатова Н.А. Tarjimashunoslikda matn va tarjima turlari masalalari. Молодой ученый. — 2021. — № 12 (354). — С. 311-313. — URL: https://moluch.ru/archive/354/79245/
3. Ҳакимов Ҳ.И. Миллий қадриятларни англатувчи қўшма сўзларни таржима қилиш усуллари //Хорижий филология журнали, 2019. – № 2. – Б.38-42.
4. https: file:///C:/Users/LENOVO/Downloads/ingliz-tilidan-zbek-tiliga-kirib-kelgan-s-zlarning-tarzhima-masalalari.pdf
5. https://skillbox.ru/media/growth/chto-takoe-portfolio-kak-ego-sobrat-i-oformit/